

**2020 йил 27 мартдаги 1-сонли контрактга
9-сонли қўшимча келишув**

Тошкент шаҳри

“06” октябрь 2021 йил

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” ДУК (кейинчалик “Буюртмачи ” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи директор вазифасини вақтинча бажарувчи **А.Худайбердиев** бир томондан ва “**ECO HOUSE-GROUP**” МЧЖ (кейинчалик “Бош пудратчи” деб юритилади) номидан Устав асосида иш юритувчи директори **Ш.К. Садиқов** иккинчи томондан, биргаликда “тарафлар” деб юритилади, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Арнасой кўчаси 17-уй манзилида “**Перинатал маркази**” (аввалги **3-сонли шаҳар юқумли қасалликлар клиник шифохонаси**) объекти (кейинчалик “Объект” деб юритилади) бўйича 2020 йил 27 мартда тузилган 1-сонли контракт (кейинги ўринларда “контракт” деб юритилади) юзасидан қуйидагилар ҳақида мазкур қўшимча келишув (кейинчалик “Келишув”)ни туздилар:

1. Контрактнинг 3.1.банди қуйидагича янги таҳрирда баён этилсин:

“3.1.Объектда контракт бўйича бажарилган ишлар қиймати ҚҚС билан 99 636 496 705 (тўқсон тўққиз миллиард олти юз ўттиз олти миллион тўрт юз тўқсон олти минг етти юз беш) сўмни ташкил этади. Шундан 01.10.2021 йил ҳолатига 73 844 662 500 сўм тўлаб берилган.

2021 йил 29 сентябрдаги 139-сонли Раёсат мажлисининг баёнига ҳамда тасдиқланган манзилли дастурга асосан Бош пудратчининг бошқа харажатлари билан бирга ҚҚС билан 24 161 304 205 сўм кредитор қарздорлик тўлаб берилади, қарздорликнинг қолган қисми 1 630 530 000 сўм маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилгандан сўнг ўрнатилган тартибда тўлаб берилади

2. Буюртмачи мазкур қўшимча келишувни беш кундан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказади.

3. Мазкур қўшимча келишув Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилик бошқармасида рўйхатга олингандан сўнг кучга киради.

4. Қўшимча келишув кучга киргунга қадар бўлган муносабатлар контракт асосида тартибга солинади. Ушбу қўшимча келишув кучга кирганидан кейинги тегишли муносабатларни тартибга солади.

5. Қўшимча келишув тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлади.

6. Контрактнинг томонлар ушбу қўшимча келишув билан ўзгартирмаган шартлари ўз кучини сақлаб қолади.

7. Қўшимча келишув бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, ҳар иккала нусхаси ҳам Контрактнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Буюртмачи

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” ДУК

Тошкент шаҳар, Боғибустон кўчаси 143 уй
Тел: 71281-24-43

х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилик бошқармаси

х/р: 23402000300100001010

МБ ББ ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014

ИНН:201122919

Ш.х/в 100010860262807096524054055

ИНН: 202017477 ОКОНХ: 70220

Директор в.в.б  **А.Худайбердиев**

Пудратчи

“**ECO HOUSE-GROUP**” масъулияти чекланган жамияти

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Сеул кўчаси 16

Ҳ/Р: 2020 8000 4008 9220 6007

АТБ “Капитал банк” Чорсу филиали

МФО: 01033

ИНН: 305609565

ОКОНХ: 41201

Директор  **Ш.К.Садиқов**

